


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 4 октябрь, № 192 (6122) Шанба


# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.*

*Жумладан:*

Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи **Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, мудофаа вазири **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Ас-Сиси;**

Туркия Республикаси Президенти **Ражаб Таййиб Эрдўғон;**

Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний;**

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири **Шайх Абдулла бин Носир бин Халифа Ол Соний;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон;**

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси **Маҳмуд Аббос;**

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби **Ийяд бин Амин Маданий;**

МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода** ўз табрикларини йўлладилар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизни ва гўзал юртимизнинг барча фуқароларини қутлуғ айём — Қурбон ҳайити муносабати билан муборак заминда ҳаж ибодатини чин ихлос, имон-эътиқод ила адо этаётган ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар она-диёримизнинг келажаги буюк ва ёруғ, халқимиз ҳаёти янада фаровон, Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилаётган барча хайрли ишлар бардавом ва баракотли бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб дуода бўлмоқдамиз.

Истиқлол туфайли, Сизнинг ташаббусингиз билан дунё илм-фани, маданияти, хусусан, муқаддас ислом таълимоти ривожига бемисл ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг муборак номлари қайта тикланиб, бой илмий мерослари ўрганилмоқда, қадамжолари халқимиз ардоғидаги табаррук манзилларга айлантирилмоқда. Ҳар йили минглаб фуқароларимизнинг ҳаж ва умра ибодатларини юксак савияда, қулай шароитларда адо этаётганлари, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда виждон эркинлигини кафолатлаш, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Комил ишонч билан таъкидлаймизки, Ватанимизнинг янада обод бўлиб, равнақ топишида, ўз олдимизга қўйган юксак мақсад ва марраларни эгаллашимизда энг катта мезон, аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитининг яратилганидадир.

Ушбу баракотли онларда Сиз, муҳтарам Президент Жанобларига мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, она-Ватан тараққиёти, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларингизда Яратганнинг Ўзи мададкор бўлишини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

**Ўзбекистон ҳожилари номидан**
**муфтий Усмонхон АЛИМОВ**

Макка шаҳри, Арафот водийси,
2014 йил 3 октябрь.

# Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумлари қўшма йиғилиши

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумлари қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзолари, фуқаролик ҳамда хўжалик ишлари бўйича вилоятлар судлари ва уларга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

Пленум мажлисида Олий суд раиси Ш. Газиев ва Олий хўжалик суди раиси К. Камилов ҳамда бошқалар томонидан таъкидланганидек, юртимизда иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнлари жадал давом этаётган ҳозирги пайтда тадбиркорлик фаолияти ривожига кенг йўл очиш, тадбиркорлик субъектларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ролини ва ишлаб чиқаришдаги салмоғини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа бир қатор ҳужжатлар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Натижада тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши тобора салмоқли бўлиб бораяпти.

Муҳокамага киритилган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленуми қарори лойиҳаси ҳам ана шу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

— Маълумки, жорий йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга биноан, акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссиялари роли ва аҳамияти оширилди, — дейди Олий суд судьяси Алижон Ортиқов. — Шунингдек, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини таъминлаш, барча акциядор ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятини кенгайтириш бўйича янги нормалар жорий қилинди. Айни чоғда акциядорлик жамиятларини очиқ ва ёпиқ шаклларга ажратиш бекор қилиниб, акциядорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўшимча шартлар белгилаб берилди.


**(Давоми 4-бетда).**


# ХАЛҚАРО ФОРУМ ЯКУНЛАНДИ

Кеча Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўз ишини якунлади. Сессия "Буюк Ипак йўли — халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари" мавзуига бағишланди. Унинг якуний йиғилишида иштирокчи давлат вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан қатнашдилар.










Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур халқаро форумнинг очилиш маросимида иштирок этиб, нутқ сўзлагани анжуман ишига янада чуқур мазмун бағишлади. Чунончи, давлатимиз раҳбари томонидан халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган еттита устувор омил келтириб ўтилгани сессия қатнашчиларида катта қизиқиш ва таассурот уйғотди. Шунингдек, иштирокчилар мамлакатимизда сайёҳликни равнақ топтириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги нуфузи ва салоҳиятига юқори баҳо бердилар.

— Сессия ишида халқаро сайёҳликни ривожлантириш истиқболлари, туризм ва маданият соҳасида ҳамкорликнинг янги моделларини яратиш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, халқаро туризмнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди, — дейди БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти лойиҳа раҳбари Алла Перессолова. — Ўз навбатида, Ўзбекистонга сайёҳларни жалб қилишни кенгайтириш бўйича фикр ва тажриба алмашилди. Туризм саноатида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва соҳага инвестиция киритиш масалалари муҳокама этилди. Бизнинг лойиҳамиз ҳам сайёҳлик истиқболига хизмат қилади. Унда Ўзбекистоннинг иштироки муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Йиғилишда ўртага ташланган таклифлар инобатга олиниб, қатор қарорлар қабул қилинди. Кун тартибидаги муҳим воқеа эса, Ўзбекистон билан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда сайёҳликни янада ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, Буюк Ипак йўлида туризмни кенг оммалаштириш бўйича ҳамкорликка оид битим имзолангани бўлди.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўйича қабул қилинган қарорлар лойиҳаси тасдиқланди.

Йиғилишдан сўнг ОАВ вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

САЙЛОВ — 2014

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

*2014 йил 3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.*

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига биноан Парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Мажлис иштирокчилари Марказий сайлов комиссияси ваколатига таааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

*"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлар сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:*

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**1-Нукус сайлов округи**

(**Маркази** — Нукус шаҳри, Нукус спорт коллежи биноси)

Нукус шаҳрининг "Ҳаво йўли", "Чимбой чойхона", "Халқлар дўстлиги", "Шиғис", "Шоирлар овули", "Тинчлик", "Дўстлик", "Сарбиназ", "Тунғиш қонис", "Қурилишчи", "Қоскол-2", "Алмазар", "Ели абат", "Дарбент", "Каттағар", "Гоне қалъа", "Қум овул", "Жеке терек", "Туран", "Темир йўл", "Орнек", "Нур", "Қоскол-1", "Қоскол-3", "Май овул", "Қизил қўм", "Жайхун", "Наврўз", "Наўқан боғ", "Жувозчи", "Бестобе", "Боз овул", "Қутлуғ қонис", "Қумбиз овул","Ақ отаў", "Гузар", "Бекет", "Ғарезсизлик", "Наўбаҳар", "Алланияз Қаҳарман", "Хождан овул", 55-сонли, 56-сонли, 57-сонли, 58-сонли ва "Қаратаў" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**152,9**).

**2-Тўрткўл сайлов округи**

(**Маркази** — Тўрткўл тумани, 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси)

Тўрткўл тумани, Беруний туманининг "Навоий", "Шимом", "Матонат", "Тинчлик", "Озод", "Қизилқалъа" овул фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**155,6**).

**3-Элликқалъа сайлов округи**

(**Маркази** — Элликқалъа тумани, Элликқалъа тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази биноси)

Элликқалъа тумани, Беруний туманининг "Хоразм", "Гулистон", "Амир Темур", "Навоий", "Дўстлик", "Зайтун", "Беруний", "Бўстон", "Марказий", "Шоббоз", "Тўқимачи", "Қият", "Элобод", "Пахтакор", "Наврўз", "Бирлик", "Янгиобод", "Турон", "Ибн Сино", "Ў. Жуманиязов", "Палваш" маҳалла фуқаролар йиғинлари ва "Шоббоз", "Саркоп" овул фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**151,3**).

**4-Амударё сайлов округи**

(**Маркази** — Амударё тумани, 3-сонли академик лицейи биноси)

Амударё тумани, Беруний туманининг "Мустақиллик", "Қангшартол", "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинлари ва "Бийбозор", "Беруний", "Дўстлик", "Абай", "Олтинсой" овул фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**143,1**).

** Қавс ичида ҳар бир округ бўйича сайловчилар сони кўрсатилган (минг киши).*


**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**5-Хўжайли сайлов округи**
(**Маркази** — Хўжайли тумани, Хўжайли тиббиёт коллежи биноси)
Хўжайли ва Шуманай туманлари ҳудудлари чегараларида (**158,8**).

**6-Чимбой сайлов округи**
(**Маркази** — Чимбой тумани, Чимбой педагогика коллежи биноси)
Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир туманлари ҳудудлари чегараларида (**131,6**).

**7-Орол сайлов округи**
(**Маркази** — Қўнғирот тумани, Қўнғирот саноат касб-ҳунар коллежи биноси)
Қўнғирот, Мўйноқ, Қонликўл туманлари ҳудудлари чегараларида (**129,9**).

**8-Ақманғит сайлов округи**
(**Маркази** — Нукус тумани, Ақманғит шаҳарчаси, "Қутанкўл" агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси)
Нукус тумани, Кегейли тумани, Нукус шаҳрининг "Ботаника боғи", "Таслақ-1", "Таслақ-2", "Айдын жол", "Байтерек", "Кебир овул", "Кок-озек", "Жийдели байсин-1", "Жийдели байсин-2", "Оқ жағис", "Саманбай-1", "Саманбай-2" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**135,6**).

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

**9-Андижон сайлов округи**
(**Маркази** — Андижон шаҳри, маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Андижон шаҳрининг "Боғишамол", "Аббос Бакиров", "Янги ҳаёт", "Х. Аҳмедов", 1-сон, 2-сон, 4-сон, "Султон Жўра", "Мустақиллик", "Ҳамид Қодиров", "Пистамозор", "Дўстлик", "Мирпўстин", "Шўрбулоқ", "Исломобод", 7-сон, "Саъдий", "Ал-Бухорий", 6-сон, "Ҳабибий", "Бўстон", "Андижон", "Гулистон", "Ишчилар", "Маориф", "Янги турмуш", "Бобосаъдин", "Бирлашган", "Тахтакўприк", "Кенгаш", "Тўққизариқ", "Қаландархона", "Жумабозор", "Сой", "Маърифат", "Қайрағочтаги", "Ёрбоши", "Ҳақиқат", "Тожик", 8-сон, "Шифокор", "Майдонбозор", "Яхши", "Ўзгариш", "Ғайрат", "Эркин", "Муҳаммад Алибой" ва "Бобур" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**160,5**).

**10-Олтинкўл сайлов округи**
(**Маркази** — Олтинкўл тумани, "Жалабек" транспорт касб-ҳунар коллежи биноси)
Андижон шаҳрининг "Буюк Турон", 9-сон, "Обод", "Гумбаз", "Маданият", "Деҳқонобод", "Иттифоқ", "Озодлик", "Бирлик", "Хўтанариқ", "Ўзбекистон", "Саноат", "Намуна", "Уйғуробод", "Наврўз", "Фаробий", "Чўлпон 100 йиллиги", 10-сон, "Меҳнат", "Далварзин", "Шодлик", "Хурсандлик", "Пахтакор", 5-сон, "Чинобод" ва 3-сон маҳалла фуқаролар йиғинлари, Олтинкўл туманининг "Жалабек", "Кўмакай" қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Сувюлдуз қишлоғининг "Айрончи", "Миробод", "Гулбоғ", "Орс", "Қашқар" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**159,9**).

**11-Бўз сайлов округи**
(**Маркази** — Бўз шаҳарчаси, Бўз педагогика касб-ҳунар коллежи биноси)
Бўз, Улуғнор туманлари, Балиқчи туманининг Олимбек, Ўрмонбек, Бўстон қишлоқлари, Балиқчи қишлоғининг Қўрғонча, Ўртақўрғон, Яккатол, Гўравон маҳаллалари, Шаҳрихон туманининг Абдубий, Ҳақиқат, Ўзбекистон қишлоқлари, Шаҳрихон шаҳрининг Бешариқ, Наврўз, Номозгоҳ, Яккатут, Мустақиллик маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**161,0**).

**12-Шаҳрихон сайлов округи**
(**Маркази** — Шаҳрихон шаҳри, Шаҳрихон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биноси)
Шаҳрихон туманининг Гулистон, Юқори Шаҳрихон, Пахтаобод, Ўрта Шаҳрихон, Тоштепа, Янги йўл, Назармаҳрам, Чўжа, Найнаво қишлоқлари, Шаҳрихон шаҳрининг Тараққиёт, Абдусамат, Андижонлик, Бўстон, Бувайдо, Муллабой, Навбаҳор, Терактаги, Ўзбекистон, Шаҳрихон, Қайрағочгузар, Қоракўрпа, Янги ҳаёт маҳаллалари, Асака тумани Қадим қишлоғининг Шўрқишлоқ, Қипчоқ, Мустаҳкам қишлоғининг Оқбуйра, Намуна-Бўстон, Элаш-Қипчоқ, Фаровон, Мирзаобод, Ўзбекистон қишлоғининг Дўрман, Арғин, Тоштепа маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**163,3**).

**13-Асака сайлов округи**
(**Маркази** — Асака тумани, Асака қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биноси)
Асака туманининг Асака шаҳри, Илғор, Зарбдор, Ниёзботир, Қоратепа, Кужган қишлоқлари, Ўзбекистон қишлоғининг Тувадоқ, Файз, Навкан маҳаллалари, Қадим қишлоғининг Тажриба станцияси, Лабгардон, Қовоқтўпи, Дастурхончи, Учтош, Қадим маҳаллалари, Мустаҳкам қишлоғининг Хонақа маҳалласи ҳудудлари чегараларида (**163,7**).

**14-Марҳамат сайлов округи**
(**Маркази** — Марҳамат тумани, 5-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси)
Марҳамат тумани, Булоқбоши туманининг Андижон шаҳарчаси, Кулла, Ширмонбулоқ, Найман қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**161,9**).

**15-Хўжаобод сайлов округи**
(**Маркази** — Хўжаобод шаҳри, Хўжаобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими биноси)
Хўжаобод тумани, Булоқбоши туманининг Майариқ, Булоқбоши қишлоқлари ҳудудлари, Жалолкудуқ туманининг Ёрқишлоқ, Бештол, Янгисор, Бехишкарам қишлоқлари, туман марказидаги Сўфиқишлоқ, Навоий, Қадақсин, Бозорбоши, Гулистон, Ўроқчитепа, Янгичек, Туялас, Намуна, Бойчеки маҳаллалари, Қатортол қишлоғининг Қораянтоқ, Капа, Тўрачеки, Маданият, Нуробод, Қиличмозор маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**159,3**).

**16-Пахтаобод сайлов округи**
(**Маркази** — Пахтаобод шаҳри, Тиббиёт коллежи биноси)
Пахтаобод тумани Пахтаобод шаҳри, Уйғур, Мирзоулуғбек, Пахтакор қишлоқлари, Маданият қишлоғининг Гулзор, Боғи Гулистон, Бодроғобод, Олмазор, Қўрғонча, Дўстлик, Чорсу, Аҳиллик, Андижон, Сойбўйи, Тинчлик, Тошқўрғон, Чорбоғ ва Гулдиёр маҳаллалари, Жалолқудуқ туманининг Абдуллабий, Тешиктош, Ойим қишлоқлари, Жанубий Оламушук шаҳарчаси, Қатортол қишлоғининг Достонобод, Ақча, Каттаполвон маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**157,0**).

**17-Қўрғонтепа сайлов округи**
(**Маркази** — Қўрғонтепа шаҳри, Тиббиёт коллежи биноси)
Қўрғонтепа тумани ва Хонобод шаҳри ҳудудлари чегараларида (**160,8**).

**18-Избоскан сайлов округи**
(**Маркази** — Пойтуғ шаҳри, Избоскан ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси)
Избоскан тумани, Пахтаобод туманининг Бўстон қишлоғи, Маданият қишлоғининг Маърифат, Саноат, Янгиобод, Мустаҳкам маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**159,0**).

**19-Хортум сайлов округи**
(**Маркази** — Куйганёр шаҳарчаси, Куйганёр академик лицейи биноси)
Андижон тумани ҳудуди чегараларида (**157,7**).

**20-Чинобод сайлов округи**
(**Маркази** — Чинобод шаҳарчаси, Чинобод қурилиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Балиқчи туманининг Сиза, Эски Ҳаққулобод, Хўжаобод, Чинобод, Гулистон қишлоқлари, Балиқчи қишлоғининг Кўл, Исломобод, Каттабулоқ, Балиқчи, Марказ ва Оққўрғон маҳаллалари, Олтинкўл туманининг Қўштепасарой, Оразий, Олтинкўл, Намуна, Маслаҳат қишлоқлари, Сувюлдуз қишлоғининг Сувюлдуз, Чаққон-1 ва Чаққон-2 маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**159,6**).

### БУХОРО ВИЛОЯТИ

**21-Бухоро сайлов округи**
(**Маркази** — Бухоро шаҳри, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази биноси)
Бухоро шаҳрининг Абдуллойи Сипатмуний, Абдурауф Фитрат, Афшор маҳалла, Алишер Навоий, Амир Темур, Аҳмад Дониш, Баҳовуддин Нақшбанд, Биҳиштиён, Боғидашт, Бунёдкор, Варахша, Гулистон, Гулшан, Дилкушо, Дўстлик, Ёшлик, Жалол Икромий, Жўйбор, Зарафшон, Абу Али ибн Сино, Истиқлол, Имом Ал-Бухорий, Кўкалдош, Кўксарой, Лоша, Маҳмуд Торобий, Мирзо Улуғбек, Мутал Бурҳонов, Мухтор Ашрафий, Муҳаммад Наршахий, Навбаҳор, Наврўз, Намозгоҳ, Низомий, Ойбек, Олим Хўжаев, Пири Дастгир, Раззоқ Ҳамроев, Садриддин Айний, Сайфиддин Бохарзий, Саъдий Шерозий, Тинчлик, Тошмасжид, Турки Жандий, Тўқимачи, Афросиёб, Фурқат, Хўжамушкин, Хўжа Ғунжорий, Чорбахосса, Шайхул Олам маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**147,1**).

**22-Когон сайлов округи**
(**Маркази** — Когон шаҳри, Темир йўлчилар маданият саройи биноси)
Когон шаҳри, Когон тумани, Қоровулбозор тумани, Бухоро шаҳрининг Отбозор, Ширбуддин, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Гулчорбоғ, Ситораи Моҳи Хосса, Шейхон, Шарқ Юлдузи, Шергирон, Шодлик, Янгиобод, Ғафур Ғулом, Ҳавзинав, Ҳамид Олимжон, Фошун маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**149,6**).

**23-Шоҳруд сайлов округи**
(**Маркази** — Вобкент тумани, Қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи биноси)
Вобкент тумани, Бухоро туманининг Галаосиё шаҳри, Дехча, Подшойи, Работак, Арабхона шаҳарчалари, Боғикалон, Қавола Маҳмуд, Шехонча, Работиқалмоқ, Янги турмуш, Соҳибкор, Сўфикоргар, Истиқбол, Саховат, Кўчкўмар қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**150,7**).

**24-Ибн Сино сайлов округи**
(**Маркази** — Пешку тумани, Афшона тиббиёт коллежи биноси)
Пешку тумани, Ромитан туманининг Газли, Ромитан шаҳарлари, Ромитан, Қизил Равот, Шўрча, Боғитуркон, Челонғу қишлоқлари, Хоса, Юқори Ғазберон, Қоқиштувон шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**158,1**).

**25-Варахшо сайлов округи**
(**Маркази** — Жондор тумани, Саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи биноси)
Жондор тумани, Ромитан туманининг Қўрғон қишлоғи, Бухоро туманининг Кунжиқалъа, Лоша, Юринболо, Шергирон қишлоқлари, Ўрта Новметан, Хумини боло шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**155,4**).

**26-Пайкент сайлов округи**
(**Маркази** — Қоракўл шаҳри, Саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи биноси)
Олот ва Қоракўл туманлари ҳудудлари чегарасида (**161,1**).

**27-Жилвон сайлов округи**
(**Маркази** — Шофиркон тумани, 9-сонли мусиқа ва санъат мактаби биноси)
Шофиркон тумани, Ғиждувон туманининг Кўкча, Қарахони, Пахтаобод, Сарвари, Зарангари қишлоқлари, Зафаробод ва Абади шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**156,8**).

**28-Ғиждувон сайлов округи**
(**Маркази** — Ғиждувон шаҳри, Тиббиёт коллежи биноси)
Ғиждувон шаҳри, Бештуво, Гаждумак, Жовгари, Кўлижаббор, Мазраган, Ростгўй, Ўзанон, Хатча, Чағдари, Додарак, Наматгарон, Юқори Қумоқ шаҳарчалари, Армечан, Буктарой, Ғовшун, Позагари, Соктари, Сармижон, Улфатбиби, Ф. Юнусов, Фиришкент қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**149,6**).

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**29-Жиззах сайлов округи**
(**Маркази** — Жиззах шаҳри, Маънавият-тарғибот марказининг вилоят бўлими биноси)
Жиззах шаҳри, Жиззах туманининг Гандумдош, Хайробод, Оқолтин, Равот қишлоқлари ва Гандумтош, Қораянтоқ шаҳарчалари, Ғаллаорол туманининг Кўкбулоқ, Гулчамбар, Жийдали қишлоқлари ва Қўйтош шаҳарчаси ҳудудлари чегараларида (**171,4**).

**30-Дўстлик сайлов округи**
(**Маркази** — Дўстлик шаҳри, Дўстлик тумани тиббиёт коллежи биноси)
Дўстлик тумани, Мирзачўл тумани, Арнасой тумани ва Фориш тумани ҳудудлари чегараларида (**152,6**).

**31-Зарбдор сайлов округи**
(**Маркази** — Зарбдор шаҳарчаси, Зарбдор тумани иқтисодиёт коллежи биноси)
Зарбдор тумани, Зомин тумани ва Янгиобод тумани ҳудудлари чегараларида (**160,5**).

**32-Ғаллаорол сайлов округи**
(**Маркази** — Ғаллаорол шаҳри, Ғаллаорол тумани тиббиёт коллежи биноси)
Ғаллаорол туманининг Кўкбулоқ, Гулчамбар, Жийдали қишлоқлари ва Қўйтош шаҳарчаси чегараларидадан ташқари барча ҳудуди, Бахмал тумани ҳудудлари чегараларида (**170,9**).

**33-Пахтакор сайлов округи**
(**Маркази** — Пахтакор шаҳри, Пахтакор тумани Ёшлар маркази биноси)
Зафаробод, Пахтакор туманлари ва Жиззах туманининг Гандумдош, Хайробод, Оқолтин, Равот қишлоқлари ва Гандумтош, Қораянтоқ шаҳарчаларидан ташқари барча ҳудуди чегараларида (**156,8**).

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

**34-Навоий сайлов округи**
(**Маркази** — Навоий шаҳри, "Фарҳод" маданият саройи биноси)
Навоий шаҳри ҳудуди, Кармана туманининг "Деҳқон", "Бешкент", "Гулобод", "Мир Саид Баҳром", "Зиёкор", "Х. Хисрав", "Алишер Навоий", "Кўҳна Қўрғон", "Фарҳод" маҳалла фуқаролар йиғинлари ва "Нарпай", "Жалойир" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**133,0**).

**35-Қизилтепа сайлов округи**
(**Маркази** — Қизилтепа тумани, Қизилтепа маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Қизилтепа тумани ҳудуди, Кармана туманининг "Янгиариқ", "Уйрот", "Дўрман" ва "Ҳазора" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда Маликработ шаҳарчаси ҳудуди чегараларида (**135,4**).

**36-Зарафшон сайлов округи**
(**Маркази** — Зарафшон шаҳри, 2-сонли умумтаълим мактабининг ахборот-ресурс маркази биноси)
Зарафшон шаҳри ҳудуди, Учқудуқ тумани, Конимех тумани, Томди тумани ҳудудлари чегараларида (**107,2**).

**37-Хатирчи сайлов округи**
(**Маркази** — Хатирчи тумани, Хатирчи тумани маданият ва спорт ишлари бўлими биноси)
Хатирчи тумани, Навбаҳор тумани, "Туркистон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг "Қизилработ" маҳалла фуқаролар йиғини Қулоқ ота ва Қизилқўшин қишлоқлари, "Ялтиработ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудлари чегараларида (**125,7**).

**38-Нурота сайлов округи**
(**Маркази** — Нурота тумани, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими биноси)
Нурота тумани, Навбаҳор туманининг "Арабсарой", "Янгиқўрғон", "Кескантерак", "Бешработ", "Янгийўл", "Олчин" қишлоқ фуқаролар йиғинлари, "Туркистон" қишлоқ фуқаролар йиғини "Қизилтепа", "Янгикуч" маҳалла фуқаролари йиғинлари, "Қизилработ" маҳалла фуқаролар йиғини Дегриз қишлоғи ҳудудлари чегараларида (**127,3**).

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

**39-Дўстлик сайлов округи**
(**Маркази** — Наманган шаҳри, Олимпия захиралари ва спорт коллежи биноси)
Наманган шаҳрининг Мустақиллик, Тўқувчи, Навбаҳор, Порлоқ, Нуробод, Наврўз, Гулшан, Халқлар дўстлиги, Умид, Янги тонг, Давлатобод, Исломобод, Бунёдкор, Мустақиллик 5 йиллиги, Оромгоҳ, Тинчлик, Ахсикент, Мингтерак, Мингчинор, Машраб, Маънавият, Фурқат, Дўстлик, Чаманзор, Сиҳатгоҳ, Гўзал, Меҳнатобод, Атанган гузари, Ишонч, Келажак тонги, Истиқбол, Курашхона, Озод, Нурафшон, Ғунча, Янги йўл, А. Фазлий, Гулбоғ, Яккасада, Сумалак гузари, Беруний, Гулистон маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**157,8**).

**40-Сардоба сайлов округи**
(**Маркази** — Наманган шаҳри, Санъат коллежи биноси)
Наманган шаҳрининг Маданий маориф, Янги қурилиш, Янги ҳаёт, Ғишт-кўприк, Шаршара, Маданий, Гулпора, Чорсу, Шарқ тонги, Чинор, Амир Темур, Соҳибкор, Қадамжо, Рафиқ Мўмин, Баҳор, Зарбдор, Ҳақиқат, Бобуршоҳ, Бўстон, Марғилон, Олвализор, Янги аср, Исфархон, Маърифат, Даштбоғ, Оби-ҳаёт, Байналминал, Меҳрибонлик, Исоқ-чўян, Зарафшон, Заркент, Мажнунтол, Янгиобод, Алпомиш, Ўзбекистон, Обод, Дамбоғ, Тараққиёт, Сўфизода, Сардоба маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**157,2**).

**41-Тошбулоқ сайлов округи**
(**Маркази** — Катта Тошбулоқ қишлоғи, Тошбулоқ саноат касб-ҳунар коллежи биноси)
Наманган тумани, Мингбулоқ туманининг Довдуқ, Гуртепа, қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**165,2**).

**42-Косонсой сайлов округи**
(**Маркази** — Косонсой тумани, Косонсой педагогика коллежи биноси)
Косонсой тумани, Янгиқўрғон туманининг Наврўзобод, Зарбдор қишлоқлари ва Заркент қишлоғининг Фурқат маҳалласи ҳудудлари чегараларида (**145,3**).

**43-Поп сайлов округи**
(**Маркази** — Поп шаҳри, Маданият саройи биноси)
Поп тумани, Мингбулоқ туманининг Гулбоғ, Меҳнатобод, Бўстон қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**163,8**).

**44-Тўрақўрғон сайлов округи**
(**Маркази** — Тўрақўрғон шаҳри, Тўрақўрғон академик лицейи биноси)
Тўрақўрғон туманидаги Тўрақўрғон шаҳри, Оқтош шаҳарча, Сайрам, Холматов, Хўжанд, Ахси, Бураматут, Шаханд, Қатоғон Сарой, Ёртепа қишлоқлари, Мингбулоқ туманининг Жомашуй шаҳарчаси, Олтинкўл, Момохон қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**168,7**).

**45-Уйчи сайлов округи**
(**Маркази** — Уйчи шаҳарчаси, Уйчи маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Уйчи, Ровот шаҳарчалари, "Уйчи", "Жийдакапа", "Ғайрат", "Бирлашган" қишлоқ фуқаролар йиғинлари, "Ёрқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг Янгичек маҳалласи. Норин туманининг "Пахтақишлоқ" фуқаролар йиғинига қарашли Қозоқовул, Шўрариқ, Найманабод, Дўмар маҳаллалари, "Тошлоқ", "Хўжаобод", "Тўда", "Марғизор", "Норинкапа", "Учтепа" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудлари чегараларида (**147,7**).

**46-Учқўрғон сайлов округи**
(**Маркази** — Учқўрғон шаҳри, Учқўрғон иқтисодиёт коллежи биноси)
Учқўрғон тумани, Норин туманининг Ҳаққулобод шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Қўрғонтепа" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Пахтақишлоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Шаҳидмозор маҳалласи ҳудудлари чегараларида (**141,2**).

**47-Чортоқ сайлов округи**
(**Маркази** — Чортоқ шаҳри, Чортоқ тиббиёт коллежи биноси)
Чортоқ туманининг Чортоқ шаҳридаги барча маҳаллалар, Короскон, Ойқирон, Кўшан, Мучум шаҳарчалари, Гулшан, Мучум қишлоқлари, Сарой қишлоғи Сарой маҳалласи ҳамда Қорамурут маҳалласининг бир қисми, Уйчи туманининг Ўнҳаёт шаҳарчаси, "Машад", "Ёркатай" қишлоқ фуқаролар йиғинлари, "Ёрқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг "Янгичек" маҳалла фуқаролар йиғинидан ташқари барча маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**148,0**).

**48-Чуст сайлов округи**
(**Маркази** — Чуст шаҳри, Чуст педагогика коллежи биноси)
Чуст туманидаги Бофанда, Пансада, Сероб, Камарсада, Навбаҳор, Деҳқонобод, Сабзазор, Хўжаобод, Яккабулоқ, Садача, Бирлик, Наврўз, Дузанда, Дўстлик, Меҳнатобод, Гулистон, Мустақиллик, Бибиона, Боғи Эрам, Зарафшон маҳаллалари, "Ахча", "Ҳисорак", "Каркидон", "Шоён", "Баймоқ", "Шуркент", "Олмос", "Карнон", "Варзиқ", "Оғасарой", "Ғова" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**169,7**).

**49-Янгиқўрғон сайлов округи**
(**Маркази** — Янгиқўрғон шаҳарчаси, Янгиқўрғон тумани енгил саноат коллежи биноси)
Янгиқўрғон туманининг Янгиқўрғон шаҳарчаси, Қораполвон, Шарқ Юлдузи, Истиқлол, Бекобод, Бирлашган, Нанай, Поромон, Новкент қишлоқлари ва Заркент қишлоғининг Маданият маҳалласи, Чортоқ туманининг Сарой қишлоғи Сарой маҳалласидаги Каримбеков, М. Отанбеков, Матмусаев кўчалари, Сарой қишлоғи Қорамурут маҳалласидаги А. Каваев, Чаманзор, Ёшлик, Қорамурт, Янги маҳалла, У. Сафаров кўчалари. Алихон қишлоғи Алихон шаҳарчаси, Пешкўрғон қишлоғи, Пастки Пешкўрғон шаҳарчаси, Боғистон қишлоғи, Балиққўл, Ораариқ, Юқори Пешкўрғон, Ҳазратишоҳ шаҳарчалари, Ҳазратишоҳ қишлоғи ҳудудлари чегараларида (**148,0**).

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

**50-Регистон сайлов округи**
(**Маркази** — Самарқанд шаҳри, Самарқанд давлат университети тарих факультети биноси)
Самарқанд шаҳрининг Боғибаланд-2, Жўйичукур, Боғимайдон-2, Чилстун, Хўжақишлоқ, Наврўз-2, Мотрит, Хўжағунжойиш, Хўжағунжойиш-2, Қундисўфи, Қўрғонча, Оби Раҳмат, Қирча, Боғимайдон, Чўпонота, Бунёд, Ширин, Қир, Галаосиё, Оқсарой, Ғиёсиддин Жамшид, Афросиёб, Геофизика, Аэропорт, Зарафшон, Истиқбол, Имом Восе, Муборак, Қумзор, Шарқ, Ибн Сино, Қўшбақолли, Халқобод, Ҳилол, Хўжандий, Кўкмасжид, Янги Хайробод, Сўфи Розиқ, Даҳбедий, Қўшҳовуз, Шаҳриобод, Тазар, Шарқ Юлдузи, Сарбадорлар, Хўжа Чоррух, Давлатшоҳ Самарқандий, Сарбон, Тошкандий, Абдураҳмон Жомий, Дарвозаи Қаландархона, Зоминий, Ёминий, Ургути, Дари Занжир, Обод, Каварзор, Зардўзлар, Роҳат, Чашма, Қўшчинор, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Халифа Иброҳим, Садриддин Айний, Хўжа Абду Дарун, Намозгоҳ, Хўжа Аҳрори Вали, Мароқанд, Фурқат, Кафтархона, Кафтархона-2, Иброҳим Хўжа, Эски Қаландархона, Сўзангарон, Пули Мирзо, Боғибаланд, Чақар, Луччакон, Гўри Амир, Мустақиллик, Хўжа Юсуф, Кўксарой, Анҳор, Бирлик, Сиёбча, Алишер Навоий, Боғи Темур, Мир Саид Барака, Мингтут, Фаровонлик, Боғичинор, Лоҳутий, Гулбаҳор, Тўпхона, Деволи Кўндаланг, Масжиди Қўнғироқдор, Нуробод, Ҳамид Олимжон, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Яссавий, Бунёдкор, Навбаҳор, Раҳим Шокирбеков, Мададкор, Тадбиркорлар, Саид маҳалла, Лолазор маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**170,1**).

**51-Сўғдиёна сайлов округи**
(**Маркази** — Самарқанд шаҳри, Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси)
Самарқанд шаҳрининг Ёшлик, Наврўз, Чилқудуқ, Гулистон, Саттепо, Заргартепа, Ҳофиз Шерозий, Янгиқўрғон, Ботир Зокиров, Хўжасоат, Саъдий Шерозий, Шойибофлар, Бўстон, Аҳиллик, Панжоб, Нурли келажак, Шукрона, Маданият, Чорбоғ, Дарғом, Нурафшон, Амир Темур, Саидризо Ализода, Каттақўрғон, Ўрикзор, Фароғат, Найман, Камолот, Меҳробод, Беклар, Бешгужум, Хадича Сулаймонова, Тераклзор, Бешчинор, Извошчилар, Марҳабо, Қадрият, Семурғ, Токзор, Садаф, Илҳом, Зулфия, Истиқлол, Қарши йўли, Боғишамол, Боғишифо, Тинчлик, Шуҳрат, Юлдуз, Увайсий, Машъал, Ал-Бухорий, Тонг, Сўғдиёна, Нодирабегим, Шодлик, Илмобод, Дамариқ, Саховат, Янгиобод, Тожмаҳал, Баҳор, Раҳматобод, Катта ариқ, Боғисарой, Боғбонлар, Рудакий, Адолат, Зиёкорлар, Мевазор, Зиёлилар, Али Қушчи, Ал-Фаробий, Беруний, Гуллар боғи, Олтин Аср, Турон, Орзу, Боғдод, Боғистон, Ҳаётобод, Тутзор, Севали, Мақсуд Шайхзода, Ёшлар, Матонат, Ислоҳот, Деҳқон, Нурли йўл, Меҳнат, Темир йўлчилар, Ипак йўли, Барака, Эски Ҳазора, Ҳазора, Дўстлик, Ватанпарвар ва Майсазор маҳаллалари, Пастдарғом туманининг Чархин шаҳарчаси ҳудудлари чегараларида (**165,8**).

**52-Булунғур сайлов округи**
(**Маркази** — Булунғур тумани, Булунғур тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси)
Булунғур туманининг Бешкўтон, Кулчабий, Ўртабулоқ, Соҳибкор, Килдон, Ф. Йўлдош, Навоий қишлоқлари ҳамда Булунғур маркази маҳаллалари, Жомбой туманининг Қорамўйин, Деҳқонобод, Халвойи, Жомбой қишлоқлари, Жомбой тумани маркази маҳаллалари чегараларида **(161,6)**.

**53-Иштихон сайлов округи**
(**Маркази** — Иштихон тумани, 21-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси)
Иштихон туманининг Қўрли, Равот, Азамат, Файзиобод, Чордара, Зарбанд қишлоқлари, Иштихон тумани маркази маҳаллалари, Қўшработ туманининг Пичот, Қўшработ, Жўш, Зармитан, Оқтепа, Урганжи, Соҳибкор қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**166,4**).

**54-Каттақўрғон сайлов округи**
(**Маркази** — Каттақўрғон шаҳри, Иқтисодиёт коллежи биноси)
Каттақўрғон шаҳрининг Ингичка шаҳарчаси, Ўрикзор, Алишер Навоий, Амир Темур, Арабхона, Баланд Чордара, Чордара, Ғариб Мачит, Дўстлик, Ермачит, Зарифобод, Баҳористон, Қориравот, Кунжипай, Кучахўр, Зарафшон, Чинобод, Навбаҳор, Кушҳовуз, Дамариқ, Ноқис, О. Мирий, Оқолтин, Кўҳнадам, Сармазор, Сиплон, С. Оллаёр, Яккабоғ, Миёнкол, Ҳайдарчаман, Ҳожиқурбон, маҳаллалари, Нуробод туманининг Улус, Нурбулоқ, Жарқудуқ, Тутли, Тим, Жом қишлоқлари, Нуробод тумани маркази маҳаллалари, Нарпай туманининг Янгиқўрғон, Қадим, Қоракўл қишлоқлари ҳудудлари чегараларида **(169,7)**.

**55-Қорадарё сайлов округи**
(**Маркази** — Каттақўрғон тумани, Кадан қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси)
Каттақўрғон туманининг Пайшанба ва Сувҳовузи шаҳарчалари, Омонбой, Саройқўрғон, Дурбеш, Жумабой, Гирдиқўрғон, Кичикмундиён, Мойбулоқ, Каттаминг, Қўштепа, Янгиқўрғонча, Каттакўрпа қишлоқлари чегараларида (**159,1**).

**56-Нарпай сайлов округи**
(**Маркази** — Нарпай тумани, "Оқтош" тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси)
Нарпай туманининг Олтиўғил, Қорасироқ, Чақар, Янгиработ, Мирбозор, И. Шоир, Косагарон қишлоқлари, Оқтош шаҳарчаси, Пахтачи туманининг Зиёвуддин шаҳарчаси, Дўстобод, Султонобод, Хайробод, Мисит, Қуйбоқ, Пўлатчи, Хумор, Қарнаб қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**172,2**).

**57-Оқдарё сайлов округи**
(**Маркази** — Оқдарё тумани, Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси)
Оқдарё туманининг Лойиш, Даҳбед шаҳарчалари, Зарафшон, Алишер Навоий, Қоратери, Примкент, Янгикент, Янгиқўрғон қишлоқлари, Пайариқ туманининг Оққўрғон, Чопорошли, Чоштепа қишлоқлари, Иштихон туманининг Митан шаҳарчаси, Халқаобод, Ўртақишлоқ, Ҳақиқат қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**169,1**).

**58-Пастдарғом сайлов округи**
(**Маркази** — Пастдарғом тумани, Пастдарғом тумани педагогика ва спорт касб-ҳунар коллежи биноси)
Пастдарғом туманининг Сарибош, Торариқ, Пўлатчи, Санчикул, Бешқаҳрамон, Анҳор, Чимбой, Гўзалкент, Арабхона қишлоқлари ва Жума шаҳарчаси ҳудудлари чегараларида (**164,4**).

**59-Пайариқ сайлов округи**
(**Маркази** — Пайариқ тумани, Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси)
Пайариқ туманининг Челак шаҳарчаси, Саноат, Қўлтисин, Кўкдала, Қорасув, Гулистон, Бирлашган, Ойтамғали, Ўртасайдов қишлоқлари, Пайариқ тумани маркази маҳаллалари, Жомбой туманининг Қанғли, Журият, Қўнғирот, Шерқўрғон қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**163,4**).

**60-Самарқанд сайлов округи**
(**Маркази** — Самарқанд тумани, Гулобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи биноси)
Самарқанд туманининг Оҳалик, Каттақўрғонариқ, Мирзо Улуғбек, Қайнама қишлоқлари, Пастдарғом туманининг Намуна, Болатош, Димишқиболо, Дўрмонтепа қишлоқлари, Нуробод туманининг Сазаган қишлоғи, Самарқанд шаҳар Қавола, Қавола-3, Сафеди, Гармако, Мўлиён, Мўлиён-2, Янги Хаёт, Дукчиён, Бекхо, Кўл, Қуйи Хўжасоат, Навбоғчиён, Юқори Хўжасоат, Ўрта Хўжасоат маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**153,2**).

**61-Тайлоқ сайлов округи**
(**Маркази** — Тайлоқ тумани, Тайлоқ тумани агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи биноси)
Тайлоқ туманининг Тайлоқ, Қўрғонча, Сочакиболо, Адас, Тепақишлоқ, Боғизоғон, Маданият, Жумабозор, Ғўлба қишлоқлари, Самарқанд туманининг Қўштамғали, Даштакиболо қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**166,5**).

**62-Ургут сайлов округи**
(**Маркази** — Ургут тумани, Тиббиёт коллежи биноси)
Ургут туманининг Испанза, Ғўс, Булоқбоши, Янгиариқ, Жартепа, Почвон, Мирзақишлоқ қишлоқлари, Ургут тумани марказининг Сўфиён, Пастки Калангар, Юқори Калангар, Камардон, Навбоғ, Дўстлик, Чағизмон, Ғуслик, Катта Торинжак, Ялпоқтепа, Кичик Торинжак маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**157,3**).

**63-Қоратепа сайлов округи**
(**Маркази** — Ургут тумани, Ургут тумани тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи биноси)
Ургут туманининг Урамас, Баҳрин, Бешбулоқ, Илонли, Қоратепа қишлоқлари, "Мирзақишлоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Мирзақишлоқ ва Мерганча маҳаллалари, Ургут тумани марказининг Мозортепа, Чорраҳа, Андак, Чор-Чинор, Камангаронча, Кулоллик, Гулистон, Ғузни, Боғишамол маҳаллалари, Самарқанд туманининг Кўлбаипоён қишлоғи ҳудудлари чегараларида (**152,0**).

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

**64-Гулистон сайлов округи**
(**Маркази** — Гулистон шаҳри, Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси)
Гулистон шаҳрининг "Баҳор", "Дўстлик" қишлоқ фуқаролар йиғинлари, "Улуғбод", "Маданият", "Муқимий", "Фарҳод", "Янгиҳаёт", "Аҳиллик", "Навбаҳор", "Ш. Рашидов", "Тараққиёт", "Сайқал", "Намуна", "Обод юрт", "Боғишамол" маҳалла фуқаролар йиғинлари, Гулистон туманининг "Деҳқонобод" шаҳарча фуқаролар йиғини, "Олтинтепа", "Нуробод", "Соҳилобод", "Бешбулоқ", "Чортоқ", "Ҳумо", "Сойибобод", "Зарбдор", "Олтин Ўрда" қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Мирзаобод туманининг "Фаровон", "Ибрат", "Мирзачўл", "Навбаҳор", "Меҳнатобод", "Нурафшон", "Бохористон" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**135,2**).

**65-Сайхун сайлов округи**
(**Маркази** — Сайхунобод тумани, Сайхунобод саноат касб-ҳунар коллежи биноси)
Сирдарё туманининг "Пахтазор", "Сирдарё", "Шоликор", "Ҳақиқат", "Малек", "Халқобод", "Чўлтўқай", "Ойдин йўл", "Турон" қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Сирдарё ва Бахт шаҳарлари маҳалла ҳудудлари аҳоли пунктлари, Сайхунобод туманининг Сайхун ва Соҳил шаҳарча фуқаролар йиғини, "Янгиҳаёт", "Юксалиш", "Истиқлол", "Элобод", "Олмазор", "Нурота" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**126,5**).

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**66-Янгиер сайлов округи**
(**Маркази** — Янгиер шаҳри, Янгиер академик лицейи биноси)
Янгиер шаҳрининг “Бинокор”, “Наврўзобод”, “А. Жомий”, “З. Бобур”, “Шодлик”, “Маърифат”, “Т. Малик”, “Ш. Рашидов” маҳалла фуқаролар йиғинлари, Боёвут туманининг “Боёвут” шаҳарча фуқаролар йиғини, “Мингчинор”, “Маданият”, “Олмазор”, “Тинчлик”, “Деҳқонобод”, “Лайлаккўл”, “1-Боёвут”, “Усмонобод”, “Дўстлик”, “Ғаллакор”, “Дарвозақир”, “Буюк юрт” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Ширин шаҳри “Ш. Рашидов”, “Амир Темур”, “Мирзо Улуғбек”, “Абдулла Қодирий”, “А. Икромов”, “А. Набиев” маҳалла фуқаролар йиғинлари, Мирзаобод туманининг “Бирлашган”, “Нуробод” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**124,2**).

**67-Оқолтин сайлов округи**
(**Маркази** — Оқолтин тумани, 7-сонли мусиқа ва санъат мактаби биноси)
Оқолтин туманининг “Сардоба”, “Фарғона” шаҳарча фуқаролар йиғинлари, “Бўстон”, “Аҳиллик”, “Шодлик”, “Андижон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Сардоба туманининг “Пахтаобод” шаҳарча фуқаролар йиғини, “Қўрғонтепа”, “Чўлқувар”, “Гулзор”, “Янги қишлоқ”, “Янгиобод”, “Гулистон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Ховос туманининг “Ховос” шаҳарча фуқаролар йиғини, “Фарҳод”, “Гулбаҳор”, “Соҳибкор”, “Пахтакор”, “Ховотоғ”, “Туркистон”, “Ҳуснобод”, “Чаманзор”, “Зафаробод”, “Қаҳрамон”, “Бинокор” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**126,8**).

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

**68-Шеробод сайлов округи**
(**Маркази** — Шеробод тумани “Ўзагросуғурта” ДАСК туман бўлими биноси)
Бойсун тумани Кофрун, Тангимуш, Пасурхи, Қорабўйин, Работ шаҳарчалари, “Қўнғирот”, “Темир Дарвоза”, “Қўрғонча”, “Мачай”, “Поёнқўрғон”, “Чинорлик”, “Кетмончи” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Шеробод, Зарабоғ, Килкон, Навбоғ, Пахтаобод, Сариқамиш, Чўйинчи, Янгиариқ шаҳарчалари ва “Оққўрғон”, “Қўхитанг”, “Сариқамиш”, “Сеплон”, “Таллашқон”, “Рабатак”, “Янги турмуш”, “Бўстон”, “Чинобод” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**179,8**).

**69-Ангор сайлов округи**
(**Маркази** — Ангор тумани, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими биноси)
Ангор тумани, Таллимарон, Хомкон, Қорасув, Янгиобод, Таллошқон, Гиламбоб, Зартепа, Янги турмуш, Янги Ангор, Кайран, Новшаҳар шаҳарчалари, “Навоий”, “Дўстлик”, “Таллимарон”, “Қорасув”, “Истиқлол”, “Занг”, “Кайран” қишлоқ фуқаролар йиғинлари. Музработ тумани Халқобод, Бахт, Байналминал, Гулистон, Ифтихор, Қозоёқли, Оқолтин, Таскент, Озод Ватан, Чегарачи шаҳарчалари, “Бешқўтон”, “Болдир”, “Сарҳад”, “Қоракамар”, “Шарқ Юлдузи”, “Музработ”, “Навбаҳор”, “Ободон”, “Шўроб” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**161,5**).

**70-Термиз сайлов округи**
(**Маркази** — Термиз шаҳри “Сурхондарёгаз” вилоят бирлашмаси)
Термиз шаҳри, Термиз туманининг Учқизил, Қизилбой, Лимончи, Тажрибакор, Намуна, Ат-Термизий, Мустақиллик, Паттакесар, Чегарачи шаҳарчалари, “Меҳнатобод”, “Пахтаобод”, “Учқизил”, “Янгиариқ”, “Кокилдорота” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**154,8**).

**71-Жарқўрғон сайлов округи**
(**Маркази** — Жарқўрғон тумани, Жарқўрғон маданият уйи биноси)
Жарқўрғон туманининг Какайди, Минор, Қоракурсоқ, Марказий, Кофрун шаҳарчалари, “Оққўрғон”, “Жарқўрғон”, “Деҳқонобод”, “Минор”, “Сурхон”, “Чоржўй” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Қизириқ туманининг Сариқ, Кунчиқиш, Янги ҳаёт, Кармаки, Истара шаҳарчалари, “Заркамар”, “Қизириқ”, “Пахтакор”, “Янгийўл”, “Меҳнатобод” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**177,0**).

**72-Қумқўрғон сайлов округи**
(**Маркази** — Қумқўрғон шаҳри, Қумқўрғон агросаноат касб-ҳунар коллежи биноси)
Қумқўрғон туманининг Ҳуррият, Элбаён, Элобод, Азларсой, Боғара, Оқсой, Жийдали, Навбаҳор, Қарсоқли, Янгиер, Жалоир шаҳарчалари, “Оққапчиғай”, “Жалоир”, “Шерозий”, “Оқжар”, “Қумқўрғон”, “Юқори Какайди”, “Кетмон”, “Арслонбойли”, “Шарқ Юлдузи” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Қизириқ, Бандихон шаҳарчалари, “Олмазор”, “Бандихон”, “Киршак”, “Чорвадор”, “Шарқ Истара” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**179,6**).

**73-Шўрчи сайлов округи**
(**Маркази** — Шўрчи тумани, Тиббиёт коллежи биноси)
Шўрчи тумани, Элбаён, Тўла, Ялти, Хушчекка, Кўштегирмон, Каттасовур, Карвон, Ғармақўрғон, Жарқишлоқ, Жойилма шаҳарчалари, “Алпомиш”, “Бахтлитепа”, “Элобод”, “Шўрчи”, “Савур”, “Жалоир”, “Далварзин”, “Қўлдош” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Олтинсой тумани Қорлиқ, Ботош, Жобу, Ипоқ, Қурама, Бўстон, Мормин, Ҳайрондара, Хўжасоат, Чеп, Шакарқамиш, Экраз, Янги қурилиш, Гулобод шаҳарчалари, “Оқолтин”, “Оқарбулоқ”, “Олтинсой”, “Миршоди”, “Узумзор”, “Лутфий” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**175,8**).

**74-Денов сайлов округи**
(**Маркази** — Денов тумани, Денов маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Денов туманининг Дўстлик, Юрчи, Қизилжар, Холчаён, Хитоян, Пахтакураш, Намозгоҳ, Жаматак, Янги Ҳазарбоғ, Янгибоғ, Даҳана, Янгиобод шаҳарчалари, “Сина”, “Хайработ”, “Ҳазарбоғ”, “Янгибоғ”, “Даҳана”, “Кенагас”, “Анбарсой”, “Қизилжар”, “Янгиобод”, “Вахшивор”, “Дуғоба” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Олтинсой тумани “Вахшивор”, “Дуғоба” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**183,8**).

**75-Сариосиё сайлов округи**
(**Маркази** — Сариосиё тумани, Агросаноат касб-ҳунар коллежи биноси)
Сариосиё туманининг Шарғун, Сариосиё, Янги ҳаёт, Тортули, Бўйропўшт шаҳарчалари, “Сангардак”, “Боғи”, “Ўзбекистон”, “Тоқчиён”, “Хуфар”, “Дашнобод”, “Буюк келажак”, “Сўфиён” қишлоқ фуқаролар йиғинилари ҳудудлари чегараларида (**156,0**).

**76-Узун сайлов округи**
(**Маркази** — Узун тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Узун туманининг Уланқул, Карашик, Янги куч, Жончекка, Маландиён, Меҳнат, Янги шаҳарчалари, “Бобптоғ”, “Жончекка”, “Файзова”, “Телпакчинор”, “Узун”, “Оқ Остона”, “Хонжиза”, “Наврўз” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Шўрчи туманининг “Соҳибкор”, “Янгибозор”, “Пистамозор”, “Янгизамон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**142,3**).

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**77-Ангрен сайлов округи**
(**Маркази** — Ангрен шаҳри, Ангрен шаҳар молия бўлими биноси)
Ангрен шаҳар, Оҳангарон туманининг “Увак”, “Қурама”, “Телов”, “Сусам” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**154,3**).

**78-Бекобод сайлов округи**
(**Маркази** — Бекобод тумани, туман марказий маданият уйи биноси)
Бекобод шаҳар, Бекобод туманининг Зафар шаҳарчаси, “Қиёт”, “Бекобод”, “Меҳнатобод”, “Янгиқўрғон”, “Гулистон”, “Маданият”, “Жумабозор”, “Далварзин” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда “Зарафшон” қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бешюз, Фарҳод, Боғишамол, Боғистон қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**144,9**).

**79-Бўка сайлов округи**
(**Маркази** — Бўка тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Бўка тумани, Бекобод туманининг “Янги ҳаёт”, “Чаноқ”, “Бахористон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва “Зарафшон” қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сариюз қишлоғи ҳудудлари, Пискент туманининг “Оқтепа”, “Саид”, “Дўнгқўрғон”, “Муротали”, “Кориз”, “Келовчи” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**142,4**).

**80-Бўстонлиқ сайлов округи**
(**Маркази** — Ғазалкент шаҳри, Ғазалкент шаҳар маданият саройи биноси)
Бўстонлиқ тумани, Юқори Чирчиқ туманининг “Саксонота”, “Истиқлол”, “Тинчлик”, “Бордонкўл” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**146**,**1**).

**81-Зангиота сайлов округи**
(**Маркази** — Зангиота тумани, Эшонгузар маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси)
Зангиота туманининг “Эшонгузар” қўрғони фуқаролар йиғини, “Чиғатой-Оқтепа”, “Туркистон”, “Назарбек”, “Қатортол”, “Ўзгариш”, “Хонобод”, “Зангиота”, “Эркин”, “Қизғалдоқ”, “Масалбой”, “Кўксарой” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**149,7**).

**82-Олмалиқ сайлов округи**
(**Маркази** — Олмалиқ шаҳар “Кимёгар” маданият саройи биноси)
Олмалиқ шаҳар тўлиқ, Оҳангарон туманининг “Дўстлик”, “Озодлик”, “Бирлик”, “Қорахитой” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**135,5**).

**83-Паркент сайлов округи**
(**Маркази** — Паркент тумани, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими биноси)
Паркент тумани, Юқори Чирчиқ туманининг “Янгибозор” қўрғони фуқаролар йиғини, “Оқовул”, “Суранкент”, “Наврўз”, “Жамбул”, “Арғанча” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**146,0**).

**84-Тўйтепа сайлов округи**
(**Маркази** — Ўрта Чирчиқ тумани, Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси)
Ўрта Чирчиқ тумани, Пискент туманининг Пискент шаҳар ҳудудидаги Ўзбекистон, Навоий, Ойбек, Митан, Мўминобод, Бекобод, Майлобод, Бирлик, Лолаариқ маҳаллалар ҳудудлари чегараларида (**145,0**).

**85-Чиноз сайлов округи**
(**Маркази** — Чиноз шаҳри, Чиноз тумани молия бўлими биноси)
Чиноз тумани, Янгийўл туманининг “Қовунчи”, “Шўралисой”, “Халқобод” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**133,**8).

**86-Чирчиқ сайлов округи**
(**Маркази** — Чирчиқ шаҳар, “Максам-Чирчиқ” очиқ акциядорлик жамиятига қарашли маданият саройи биноси)
Чирчиқ шаҳар, Қибрай туманининг Қибрай шаҳарча фуқаролар йиғини ва “Байтқўрғон”, “Оққовоқ”, “Май” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**154,1**).

**87-Қибрай сайлов округи**
(**Маркази** — Қибрай тумани, Тошкент давлат аграр университети биноси)
Қибрай туманининг “Салар” шаҳарча фуқаролар йиғини ва “Ўнқўрғон”, “Ёнариқ”, “Матқобулов”, “Янгиобод”, “Тузель”, “Чинобод”, “Қипчоқ” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари, Зангиота туманининг Келес шаҳарчаси ва “Юнусобод”, “Чоштепа”, “Гулистон”, “Ҳасанбой”, “Кўктерак”, “Чувалачи” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**169,7**).

**88-Янгийўл сайлов округи**
(**Маркази** — Янгийўл шаҳри, Янгийўл технология иқтисодиёт коллежи биноси)
Янгийўл туманининг А. Ортиқов, У. Мусаев, “Ниёзбош”, “Навбаҳор”, “Қўшёғоч”, “Гулбаҳор”, “Бўзсув” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари, Зангиота туманининг “Бўзсув”, “Ўртаовул” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**152,6**).

**89-Дўстобод сайлов округи**
(**Маркази** — Қуйи Чирчиқ тумани, Қуйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси)
Қуйи Чирчиқ тумани, Оққўрғон тумани ҳудудлари чегараларида (**134,7**).

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**90-Бешариқ сайлов округи**
(**Маркази** — Бешариқ шаҳри, Бешариқ тиббиёт коллежи биноси)
Бешариқ тумани, Фурқат туманидаги Навбаҳор, Ғаллакор, Томоша қишлоқлари, Навбаҳор, Томоша, Қўқонбой, Эски шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**169,3**).

**91-Данғара сайлов округи**
(**Маркази** — Данғара шаҳарчаси, Данғара қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси)
Данғара тумани, Учкўприк туманидаги Ғиждон, Янгиқишлоқ, Наврўз қишлоқлари, Ғиждон, Мирзахўжа, Қумариқобод, Собиржон, Турғоқ, Янги қишлоқ шаҳарчалари, Фурқат туманидаги Ғунча қишлоғи, Чекчувалдак шаҳарчаси, Бекобод маҳалласи ҳудудлари чегараларида (**166,0**)

**92-Яйпан сайлов округи**
(**Маркази** — Яйпан шаҳри, Ўзбекистон тумани 23-сонли мусиқа мактаби биноси)
Ўзбекистон туманининг Овчи қишлоғидан ташқари барча аҳоли пунктлари, Фурқат туманидаги Шунқор, Қўқон қишлоқлари (Бекобод маҳалласидан ташқари), Шойинбек, Калдўшан шаҳарчаси, Эшон шаҳарчаси ҳудудлари чегараларида (**170,5**).

**93-Қўқон сайлов округи**
(**Маркази** — Қўқон шаҳри, Қўқон нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи биноси)
Қўқон шаҳри, Муқимий шаҳарчаси, Ўзбекистон туманининг Овчи қишлоғи ҳудудлари чегараларида (**171,0**).

**94-Бағдод сайлов округи**
(**Маркази** — Бағдод шаҳарчаси, Бағдод академик лицейи биноси)
Бағдод туманининг Ўлтарма, Чуваланчи, Пахтаобод, Амиробод, Қароқчитол, Матқулобод қишлоқлари, Қароқчитол, Бордон, Амиробод, Ўлтарма, Чекмирзаобод, Қирқ волида, Матқулобод, Бағдод, Боғишамол, Иргали, Кахат, Қўштегирмон, Самандарак, Хуснобод, Чуринди шаҳарчалари, Учкўприк туманининг Кенагас, Сариқўрғон, Учкўприк қишлоқлари, Бегобод, Катта Қашқар, Учкўприк, Боғибўстон шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**167,3**).

**95-Риштон сайлов округи**
(**Маркази** — Риштон шаҳри, Қўқон педагогика институти қошидаги академик лицей биноси)
Риштон туманининг Оқер, Бўстон, Бешкапа, Ёйилма қишлоқлари, Риштон, Зоҳидон, Тўда, Уйрат шаҳарчалари, Бағдод туманининг Дўрмонча қишлоғи, Дўрмонча шаҳарчаси, Сўх тумани ҳудудлари чегараларида (**159,7**).

**96-Олтиариқ сайлов округи**
(**Маркази** — Олтиариқ қишлоғи, Олтиариқ тумани ФҲДЁ биноси)
Олтиариқ туманининг Файзиобод, Зилҳа, Оқбўйра, Қизилтепа ва Азимобод қишлоқларидан ташқари барча аҳоли пунктлари, Риштон туманининг Риштон, Оқолтин, Қайрағоч қишлоқлари, Меҳнатобод, Сўхобод маҳаллалари, Бағдод туманининг Зафаробод, Самарқанд, Тинчлик қишлоқлари, Самарқанд, Олтин водий, Мирзаобод, Майлавой, Конизар шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**148,1**).

**97-Қўштепа сайлов округи**
(**Маркази** — Лангар қишлоғи, Қўштепа тумани 15-сонли мусиқа ва санъат мактаби биноси)
Қўштепа тумани, Олтиариқ туманининг Файзиобод, Зилҳа, Оқбўйра, Қизилтепа ва Азимобод қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**145,3**).

**98-Марғилон сайлов округи**
(**Маркази** — Марғилон шаҳри, Марғилон академик лицейи биноси)
Марғилон шаҳри, Янги Марғилон шаҳарчаси ҳудудлари чегараларида (**147,2**).

**99-Фарғона сайлов округи**
(**Маркази** — Фарғона шаҳри, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали биноси)
А. Жомий, А. Қодирий, А. Навоий, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Баҳор, Баркамол, 1-Бешбола, 44-Бешбола, Гулзор, Беглар, Беруний, Бобур, Бўстон, Гулистон, Дўстлик, Ёшлар, Жўйдам, Ибн Сино, Истиқбол, Истиқлол, Зарбдор, Кимёгар, Қиргули, Маърифат, Машъал, Маданият, Лолазор, Меҳрибонлик, Мустақиллик, Мурувват, Мирзо Улуғбек, Навбаҳор, Наврўз, Ойбек, Оқариқобод, Мададкор, Совурбулоқ, Фурқат, Сурхтепа, Табассум, Тинчлик, Тўқимачилар, Ўзбекистон, Ҳамкорлик, Симтепа, Хўжамағиз, Ҳувайдо, Шакарқишлоқ, Ш. Рашидов, Шодлик, Юлдуз, Янги йўл, Янги сой маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**149,8**).

**100-Водил сайлов округи**
(**Маркази** — Водил қишлоғи, Фарғона тумани маданият ва спорт ишлари бўлими биноси)
Фарғона туманининг Лоғон, Аввал, Дамкўл қишлоқларидан ташқари барча аҳоли пунктлари, Фарғона шаҳрининг Дашт, Ёрмозор, Ибрат, Ифтихор, Нафосат, Нодирабегим, Афросиёб, Оқариқ, Парвоз, Сойбўйи, С. Темур, Соҳибкор, Ўрмончилар, Фарғона, Шаршара, Шодиёна маҳаллалари ҳудудлари чегараларида (**147,3**).

**101-Тошлоқ сайлов округи**
(**Маркази** — Садда қишлоғи, Тошлоқ тумани 22-сонли мусиқа мактаби биноси)
Ёзёвон тумани, Тошлоқ туманининг Арабмозор, Қумариқ, Найманбўстон, Садда, Ахшак, Варзак, Қўрғонча қишлоқлари, Тошлоқ, Арабмозор, Қумариқ, Садда, Ахшак, Варзак шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**154,4**).

**102-Қува сайлов округи**
(**Маркази** — Қува тумани, Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Қува туманининг Намуна, Акбаробод қишлоқларидан ташқари барча аҳоли пунктлари, Тошлоқ туманининг Қуйи Яккатут, Найман қишлоқлари, Қуйи Найман, Яккатут шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**143,5**).

**103-Бувайда сайлов округи**
(**Маркази** — Жарқўрғон шаҳарчаси, Бувайда тумани маданият ва спорт ишлари бўлими биноси)
Бувайда тумани, Учкўприк туманининг Полохон, Чорбоғ, Обод диёр қишлоқлари, Полохон шаҳарчаси ҳудудлари чегараларида (**164,0**).

**104-Қувасой сайлов округи**
(**Маркази** — Қувасой шаҳри, Қувасой иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси)
Қувасой шаҳри, Тошлоқ туманининг Заркент қишлоғи, Фарғона туманининг Лоғон, Аввал, Дамкўл қишлоқлари, Қува туманининг Акбаробод, Намуна қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**139,5**).

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**105-Урганч сайлов округи**
(**Маркази** — Урганч шаҳри, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Урганч шаҳар ҳудуди, Урганч туманининг Чаккашоликор, Қоравул, Юқоридўрмон, Ғалаба қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**146,7**).

**106-Боғот сайлов округи**
(**Маркази** — Боғот тумани, Боғот маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи биноси)
Боғот туманининг Боғот, Нурафшон, Бойқозоқ, Узумзор, Янгиқадам шаҳарчалари, Қораёнтоқ, Бешариқ, Деҳқонбозор, Қулонқорабоғ, Маданият, Найман, Хитой, Хўжалик, Қипчоқ қишлоқлари, Янгиариқ тумани ҳудудлари чегараларида (**161,**9).

**107-Гурлан сайлов округи**
(**Маркази** — Гурлан шаҳарчаси, Гурлан ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси)
Гурлан тумани ҳудуди, Янгибозор тумани ҳудуди, Урганч туманининг Бекобод, Қорамон, Чоткўпир қишлоқлари ҳамда Гардон шаҳри ҳудудлари чегараларида (**163,4**).

**108-Ҳазорасп сайлов округи**
(**Маркази** — Ҳазорасп шаҳарчаси, Ҳазорасп иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси)
Ҳазорасп тумани ҳудуди, Боғот туманининг Ўғузработ қишлоғи ҳудудлари чегараларида (**157,5**).

**109-Хонқа сайлов округи**
(**Маркази** — Хонқа шаҳарчаси, Хонқа педагогика ва спорт коллежи биноси)
Хонқа тумани ҳудуди, Урганч туманининг Ғойбу, Чондирқиёт, Юқорибоғ қишлоқлари, Чолиш, Чандир, Оқ олтин, Кўпалик шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**155,4**).

**110-Хива сайлов округи**
(**Маркази** — Хива шаҳри, Хива педагогика коллежи биноси)
Хива тумани, Қўшкўпир туманининг Ших, Хадра, Хайробод, Хонобод қишлоқлари, Шихмашҳад ва Хонобод шаҳарчалари ҳудудлари чегараларида (**170,6**).

**111-Шовот сайлов округи**
(**Маркази** — Шовот тумани, “Шовотқалъа” маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Шовот тумани, Қўшкўпир туманининг Қўшкўпир, Қоромон, Ўрта қишлоқ, Шеробод шаҳарчалари, Ғозовот, Оқдарбанд, Қотоғон, Кенегас, Ўзбекёп, Ўртаёп, Хосиён, Янгилик қишлоқлари ҳудудлари чегараларида (**171,2**).

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

**112-Қарши сайлов округи**
(**Маркази** — Қарши шаҳри, “Ўзгеобурғунефтгаз”АК биноси)
Қарши шаҳрининг барча ҳудудлари чегараларида (**167,5**).

**113-Бешкент сайлов округи**
(**Маркази** — Бешкент шаҳри, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими биноси)
Қарши тумани ҳудудининг барча ҳудудлари, Қарши шаҳрининг Қашқадарё шаҳарчаси (Шайхали посёлкаси) ҳудуди чегараларида (**150,9**).

**114-Қамаши сайлов округи**
(**Маркази** — Қамаши шаҳри, Қамаши туманидаги 6-сонли мусиқа ва санъат мактаби биноси)
Қамаши шаҳрининг “Қоратепа”, “Қорабоғ”, “Работ”, “Тўқбой”, “Чим”, “Камай”, “Гулистон”, “Лойқасой” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Қамаши туманининг “Қоратепа”, “Сарбозор”, “Баландчайла”, “Бадахшон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Чиял шаҳарчаси ҳудудидаги “Чиял”, “Чорвадор”, “Пахтаобод”, “Дам”, “Олмазор” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Чироқчи туманининг “Пахтаобод”, “Дам”, “Паканди” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**159,9**).

**115-Нишон сайлов округи**
(**Маркази** — Нишон шаҳри, “Қашқадарётелеком” Нишон тумани филиали биноси)
Нишон ва Миришкор туманлари ҳудудлари чегараларида (**156,6**).

**116-Косон сайлов округи**
(**Маркази** — Косон тумани, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси биноси)
Косон тумани барча ҳудуди чегараларида (**161,2**).

**117-Касби сайлов округи**
(**Маркази** — Касби тумани, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси биноси)
Касби ва Муборак туманлари ҳудудлари чегараларида (**164,4**).

**118-Китоб сайлов округи**
(**Маркази** — Китоб шаҳри, “Умид” маданият саройи биноси)
Китоб тумани ҳудуди чегараларида (**157,0**).

**119-Чироқчи сайлов округи**
(**Маркази** — Чироқчи шаҳри, туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази биноси)
Чироқчи туманининг Чироқчи шаҳри, Жар, Уймовут. Кўкдала, Айритом шаҳарчалари; “Калқама”, “Кўкалда”, “Ҳумо” (“Коммуна”), “Лангар”, “Жар”, “Уйшун”, “Қумдарё”, “Шўрқудуқ”, “Эски Анҳор”, “Янги ҳаёт”, “Додиқ”, “Қаҳрамон”, “Уймовут”, “Мирзатўп”, “Торжилға” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**165,8**).

**120-Шаҳрисабз сайлов округи**
(**Маркази** — Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз тумани иқтисодиёт коллежи биноси)
Шаҳрисабз шаҳрининг “Қумқишлоқ”, “Ўртақўрғон”, “Чоштепа”, “Чоршанбе”, “Темирчи”, “Янгиқишлоқ”, “Қутчи”, “Шаматон”, “Аммағон-1”, “Қушқанот”, “Андай”, “Кунчиқар дарвоза”, “Наматон”, “Чуқур” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Хўжахуросон , Қелдиҳаёт, Қорасув, Новқат шаҳарчалари, Шаҳрисабз туманининг “Дўхчи”, “Кунчиқар”, “Қутчи”, “Мўминообод”, “Наматон”, “Тўдамайдон”, “Ўзбекистон”, “Шаматон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (**166,7**).

**121-Яккабоғ сайлов округи**
(**Маркази** — Яккабоғ шаҳри, Яккабоғ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси)
Яккабоғ тумани ҳудуди чегараларида (**150,2**).

**122-Ғузор сайлов округи**
(**Маркази** — Ғузор шаҳри, Ғузор нефть-газ саноати касб-ҳунар коллежи биноси)
Ғузор тумани ҳудудлари, Деҳқонобод туманининг “Қизилча”, “Бозортепа”, “Бибиқорасоч”, “Обиравон”, “Оқиртма”, “Қўрғонтош” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Деҳқонобод, Бешбулоқ шаҳарлари ҳудудлари чегараларида (**155,0**).

**123-Насаф сайлов округи**
(**Маркази** — Деҳқонобод тумани, Деҳқонобод тиббиёт коллежи биноси)
Қамаши туманининг Қизилтепа шаҳарчаси, “Лангар” (“Кўкбулоқ”), “Қизилтепа”, “Ёртепа” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Деҳқонобод туманининг Қорашина шаҳарчаси, “Оққишлоқ”, “Қорашина”, “Оқтош”, “Бошчорбоғ”, “Бешқўтон”, “Дуоб”, “Окрабод” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Шаҳрисабз туманининг “Хитой”, “Ҳисорак”, “Оқсув”, “Шакартери” қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Мироқи шаҳарчаси ҳудудлари чегараларида (**144,5**).

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**124-Оқтепа сайлов округи**
(**Маркази** — Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи)
**Учтепа тумани:** Истироҳат ва Кичик ҳалқа йўли кўчалари кесишган жойдан Кичик ҳалқа йўли кўчасининг ўнг томони бўйлаб Фарҳод кўчасигача, Фарҳод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Лутфий кўчасигача, Лутфий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта Қаъни кўчасигача, Катта Қаъни кўчасининг ўнг томони бўйлаб 1-тор Гулистон кўчасигача, 1-тор Гулистон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Шарқ кўчасигача, Шарқ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Гулистон кўчасигача, Гулистон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қурилиш кўчасигача, Қурилиш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта Қаъни маҳалласи чегарасигача, Катта Қаъни маҳалласи чегарасининг ўнг томони бўйлаб Изза кўчасигача, Изза кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тошкент ҳалқа йўлигача, Тошкент ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Бўзсув каналигача, Бўзсув каналининг ўнг томони бўйлаб Қорақамиш каналигача, Қорақамиш каналининг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Жарариқ каналигача, Жарариқ каналининг сув оқимига қарши ўнг томони бўйлаб Истироҳат кўчасигача, Истироҳат кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўли кесишган жойгача бўлган чегараларида (**137,9**).

**125-Дархон сайлов округи**
(**Маркази** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти)
**Мирзо Улуғбек туманининг бир қисми**: Паркент ва Мирзо Улуғбек кўчалари кесишган жойдан Мирзо Улуғбек кўчаси бўйлаб Темур Малик кўчаси билан кесишган жойгача, Темур Малик кўчаси бўйлаб темир йўли кесишган жойгача, темир йўл бўйлаб “Тошкент трамвайи” шўъба корхонаси 3-филиалининг ҳудудий чегараси билан “Тошкент трактор заводи” акциядорлик жамияти темир йўли бўғини бирлашган жойгача, “Тошкент трактор заводи” акциядорлик жамияти темир йўли бўғини бирлашган жойдан темир йўл бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув канали “Тошкент трактор заводи” акциядорлик жамияти ҳудуди чегараси бўйлаб “Ҳумоюн” мавзеси ҳудуди чегарасигача, “Ҳумоюн” мавзеси ҳудуди чегараси бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув канали бўйлаб Катта ҳалқа йўли билан кесишган жойгача, Катта ҳалқа йўли бўйлаб Паркент ва Мирзо Улуғбек кўчалари кесишган жойгача бўлган чегараларида (**148,4**).

**126-Темир йўлчилар сайлов округи**
(**Маркази** — Темир йўлчилар Маданият саройи)
**Миробод тумани:** Буюк Турон ва Матбуотчилар кўчалари кесишган жойдан Матбуотчилар кўчасининг ўнг бўйлаб Истиқбол кўчасигача, Истиқбол кўчасининг ўнг томони бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қўйилиқота кўчасигача, Қўйилиқота кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Янги Қўйилиқ кўчасигача, Янги Қўйилиқ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Файзиобод 1-тор кўчасигача, Файзиобод 1-тор кўчасининг ўнг ва чап томонлари бўйлаб Бешкент кўчасигача, Бешкент кўчасининг ўнг томони бўйлаб Эскиотчопар кўчасигача, Эскиотчопар кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув каналининг ўнг томони бўйлаб темир йўл чизиғигача, темир йўл чизиғининг ўнг томони бўйлаб Локомотив кўчасигача, Локомотив кўчаси бўйлаб Абдулла Қаҳҳор 3-тор кўчасигача, Абдулла Қаҳҳор 3-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Оқйўл кўчасигача, Оқйўл кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик Бешёғоч кўчасигача, Кичик Бешёғоч кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик Миробод кўчасининг ўнг томони орқали Кичик Миробод 1-тор кўчасигача, Кичик Миробод 1-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта Миробод кўчасигача, Катта Миробод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Миробод кўчасигача, Миробод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Буюк Турон кўчасигача, Буюк Турон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Матбуотчилар кўчасигача бўлган чегараларида.
**Бектемир тумани:** Катта ҳалқа йўлининг Оҳангарон шоҳкўчаси кесишган жойидан, Оҳангарон шоҳкўчасининг ўнг томони бўйлаб Мажнунтол кўчасигача, Мажнунтол кўчасининг ўнг томони бўйлаб Барданкўл кўчасигача, Барданкўл кўчасининг ўнг томонидаги Барҳаёт кўчасигача, Барҳаёт кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қумариқ ариғи орқали ўтиб, Барҳаёт кўчасининг чап ва ўнг томонидаги якка тартибдаги уйларни ўз ичига олиб Қўқон Дарвоза кўчасигача, Қўқон Дарвоза кўчасининг ўнг томони бўйлаб Юқори Чирчиқ кўчасигача, Юқори Чирчиқ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани корейс қабристонигача, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани корейс қабристонидан Биллур кўчасигача, Биллур кўчасининг ўнг томони бўйлаб 17-Пахтакорчилар кўчасигача, 17-Пахтакорчилар кўчасининг ўнг томони бўйлаб Баркамол кўчасигача, Баркамол кўчасидан Ўрта Чирчиқ тумани чегарасининг ўнг томонида жойлашган дала-ҳовлиларни ўз ичига олиб, Шоликор кўчаси бўйлаб “Тошкент — Ангрен” темир йўлидан Чирчиқ дарёсигача, Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб Соҳил кўчасигача, Соҳил кўчасидан “Яшил қирғоқ” дам олиш масканининг 5-сонли канали орқали “Тошкент — Ангрен” темир йўли чап томони бўйлаб Чирчиқ дарёси поймасидан ўнг қирғоғига ўтиб, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб Порлоқ кўчасигача, Порлоқ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлини кесиб ўтиб Қўйилиқота кўчасигача, Қўйилиқота кўчасининг ўнг томони бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Катта ҳалқа йўли кесишган чорраҳагача, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Оҳангарон шоҳкўчасигача бўлган чегараларида.
**Яшнобод туманининг бир қисми:** Фарғона йўли кўчаси ва Уйсозлар кўчаси кесишган жойдан Уйсозлар кўчасининг ўнг томони бўйлаб темир йўлгача, темир йўлнинг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Уйсозлар кўчасигача бўлган чегараларида (**147,3**).

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

**127-Қорақамиш сайлов округи**

(**Маркази** — Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи)

**Олмазор тумани:** Фаробий ва Университет кўчалари туташган жойдан, Фаробий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб темир йўлгача, темир йўлининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Уста Ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчасигача, Тахтапул Дарвоза кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишган жойгача, Тахтапул Дарвоза кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишган жойдан Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Сағбон кўчаси билан кесишган жойгача, Кичик ҳалқа йўли ва Сағбон кўчаси кесишган жойдан Сағбон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Чимбой-1 кўчасигача, Чимбой-1 кўчасининг ўнг томони бўйлаб Намуна кўчасигача, Намуна кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ҳудудини қамраб олган ҳолда коллеж ҳудуди чегараси бўйлаб Чимбой-1 кўчасигача, Чимбой-1 кўчасининг ўнг томони бўйлаб Чимбой тор кўчасигача, Чимбой тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Умид 1-тор кўчасигача, Умид 1-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Чимбой-2 кўчасигача, Чимбой-2 кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Фаробий ва Кичик ҳалқа йўли кесишган жойгача, Фаробий ва Кичик ҳалқа йўли кесишган жойдан Фаробий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Фаробий ва Университет кўчалари туташган жойгача бўлган чегараларида **(156,2)**.

**128-Саноат сайлов округи**

(**Маркази** — Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи)

**Яшнобод туманининг бир қисми**: Амир Темур хиёбонидан Истиқбол кўчаси бўйлаб Кичик ҳалқа йўлини кесиб ўтиб Фарғона йўли кўчасигача, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб Уйсозлар кўчасигача, Уйсозлар кўчасининг чап томони бўйлаб темир йўлгача, темир йўлнинг чап томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўли бўйлаб Оҳангарон шоҳкўчасигача, Оҳангарон шоҳкўчаси бўйлаб Гўзал ва Олмос маҳаллалари ва Тузел 1, 2, 3, 4-мавзеларини ўз ичига олган ҳолда, туманнинг ҳудудий чегараси бўйлаб Қорасувбўйи кўчасигача, Қорасувбўйи кўчасидаги хусусий сектор хонадонларини ўз ичига олган ҳолда, Оҳангарон шоҳкўчасигача, Оҳангарон шоҳкўчаси бўйлаб Паркент кўчасигача, Паркент кўчаси бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўли бўйлаб Салор каналигача, Салор каналининг чап томони бўйлаб Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-клиникаси ҳудудини ўз ичига олган ҳолда, Тараққиёт кўчасигача, Тараққиёт кўчаси бўйлаб Амир Темур хиёбонигача бўлган чегараларида (**140,9**).

**129-Дўмбиробод сайлов округи**

(**Маркази** — 1-Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежи)

**Чилонзор туманининг бир қисми:** Чўпонота кўчаси ва Бўрижар канали кесишган жойдан Бўрижар канали оқимининг ўнг томони бўйлаб Тирсакобод кўчасигача, Тирсакобод кўчасидан темир йўлининг ўнг томони бўйлаб Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегарасигача, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегараси бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўли бўйлаб Гулистон кўчасигача, Гулистон кўчаси бўйлаб Изза каналигача, Изза каналининг ўнг томони бўйлаб 3-тор Гулистон кўчасигача, 3-тор Гулистон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта Қаъни кўчасига, Катта Қаъни кўчаси ўнг томон бўйлаб Заргарлик кўчасига, Заргарлик кўчаси бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Лутфий кўчасигача, Лутфий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Чўпонота кўчасигача, Чўпонота кўчасининг ўнг томони бўйлаб Бўрижар каналигача бўлган чегараларида.

**Учтепа туманининг бир қисми:** Фарҳод ва Лутфий кўчалари кесишган жойдан Лутфий кўчасининг чап томони бўйлаб Катта Қаъни кўчасигача, Катта Қаъни кўчасининг чап томони бўйлаб 1-тор Гулистон кўчасигача, 1-тор Гулистон кўчасининг чап томони бўйлаб 2-тор Шарқ кўчасигача, 2-тор Шарқ кўчасининг чап томони бўйлаб Қурилиш кўчасигача, Қурилиш кўчасининг чап томони бўйлаб Катта Қаъни маҳалласи чегарасигача, Катта Қаъни маҳалласи чегарасининг чап томони бўйлаб Изза кўчасигача, Изза кўчасининг чап томони бўйлаб Тошкент ҳалқа йўлигача, Тошкент ҳалқа йўлининг чап томони бўйлаб Гулистон кўчасигача, Гулистон кўчасининг чап томони бўйлаб, Изза каналигача, Изза каналининг чап томони бўйлаб 2-тор Қозигузар кўчасигача, 2-тор Қозигузар кўчасининг чап томони бўйлаб Катта Қаъни кўчасигача, Катта Қаъни кўчасининг чап томони бўйлаб Заргарлик кўчасигача, Заргарлик кўчасининг чап томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг чап томони бўйлаб Фарҳод кўчасигача, Фарҳод кўчасининг чап томони бўйлаб Фарҳод ва Лутфий кўчалари кесишган жойгача бўлган чегараларида (**133,7**).

**130-Бодомзор сайлов округи**

(**Маркази** — Тошкент ахборот технологиялари университети)

**Юнусобод туманининг бир қисми:** Юнусобод ва Мирзо Улуғбек тумани чегарасидан Боғишамол кўчасининг ўнг томони бўйлаб Салор каналигача, Салор канали оқими бўйлаб “Тошкент — Арис” темир йўлигача, “Тошкент — Арис” темир йўлининг ўнг томони бўйлаб Оққўрғон каналигача, Оққўрғон каналининг ўнг томони бўйлаб 6-тор Ниёзбек йўли кўчасигача, 6-тор Ниёзбек йўли кўчасининг ўнг томони бўйлаб Мирзо Улуғбек тумани маъмурий чегараси бўйлаб Навоий кўчасигача, Навоий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Анҳор каналигача, Анҳор каналининг ўнг томони бўйлаб оқимига қарши Осиё кўчасигача, Осиё кўчасининг ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳкўчасигача, Амир Темур шоҳкўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Янгишаҳар кўчасигача, Янгишаҳар кўчасининг ўнг томони бўйлаб Янги Юнусобод кўчасигача, Янги Юнусобод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб “Тошкент — Ғазалкент” темир йўлигача, “Тошкент — Ғазалкент” темир йўлининг ўнг томони бўйлаб Боғишамол кўчасигача бўлган чегараларида.

**Мирзо Улуғбек туманининг бир қисми:** Мустақиллик кўчасидан Амир Темур хиёбони айланма йўли бўйлаб Амир Темур кўчаси билан кесишган жойгача, Амир Темур кўчаси бўйлаб Истиқлол кўчаси билан кесишган жойгача, Амир Темур ва Истиқлол кўчаси кесишган жойдан Олой кўчасигача, Олой кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий ва Ниёзбек йўли 6-тор кўчалари билан кесишган жойдан 6-тор Ниёзбек йўли кўчаси бўйлаб 3-тор Ниёзбек йўли кўчаси билан кесишган жойгача, 3-тор Ниёзбек йўли ва Ниёзбек йўли кўчаси билан кесишган жойдан Ниёзбек йўли кўчаси бўйлаб 3-тор Ниёзбек йўли кўчасигача, 3-тор Ниёзбек йўли кўчаси бўйлаб Осиё кўчасигача, Осиё кўчаси бўйлаб 1-тор Бодомзор йўли кўчасигача, 1-тор Бодомзор йўли кўчаси бўйлаб 1-тор Оққўрғон кўчасигача, 1-тор Оққўрғон кўчаси бўйлаб Қозитарнов кўчасигача, Қозитарнов кўчаси бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўли бўйлаб 1-тор Янгитарнов кўчасигача, 1-тор Янгитарнов кўчаси бўйлаб Тошкент вилояти божхона бошқармаси ҳудуди чегарасигача, Тошкент вилояти божхона бошқармаси ҳудуди чегараси бўйлаб “Тошкент лок-бўёқ заводи” акциядорлик жамияти ҳудудий чегараси билан темир йўлгача, темир йўли бўйлаб Салор каналигача, Салор канали бўйлаб Боғишамол кўчасигача, Боғишамол кўчаси бўйлаб Неъмат кўчасигача, Неъмат кўчаси бўйлаб Темур Малик кўчасигача, Темур Малик кўчаси бўйлаб Мирзо Улуғбек кўчасигача, Мирзо Улуғбек кўчаси бўйлаб Паркент кўчасигача, Паркент кўчаси бўйлаб Кичик ҳалқа йўли билан кесишган жойгача, Кичик ҳалқа йўли бўйлаб Салор канали билан Абдулла Қодирий кўчасигача, Абдулла Қодирий кўчасидан Тараққиёт кўчасигача, Тараққиёт кўчасидан Амир Темур хиёбонигача бўлган чегараларида (**139,5**).

**131-Астробод сайлов округи**

(**Маркази** — Тошкент молия институти)

**Юнусобод тумани:** Катта ҳалқа йўлининг Янги Юнусобод кўчаларининг туташган жойдан бошлаб, Янги Юнусобод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Янгишаҳар кўчасигача, Янгишаҳар кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳкўчасигача, Амир Темур шоҳкўчасининг ўнг томони бўйлаб Осиё кўчасигача, Осиё кўчасининг ўнг томони бўйлаб Бўзсув каналигача, Бўзсув каналининг оқимга қарши ўнг томони бўйича Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчасигача, Тахтапул Дарвоза кўчасининг ўнг томони бўйлаб Уста Ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчаси ўнг томони бўйлаб “Тошкент — Арис” темир йўли билан туташган жойигача, “Тошкент — Арис” темир йўли бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Янги Юнусобод кўчасигача бўлган чегараларида (**141,3**).

**132-Тўқимачи сайлов округи**

(**Маркази** — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

**Яккасарой тумани қисми**: Кичик Бешёғоч ва Нукус кўчалари кесишган жойдан Кичик Бешёғоч кўчасининг ўнг томони бўйлаб темир йўлгача, темир йўлнинг ўнг томони бўйлаб (Жанубий вокзал ҳудудини қамраб олган ҳолда) темир йўл кўпригигача, темир йўл кўпригининг ўнг томони бўйлаб Бўрижар каналигача, Бўрижар каналининг ўнг томони бўйлаб Ўзбекистон кўчасигача, Ўзбекистон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Рашидов кўчасигача, Рашидов кўчасининг ўнг томони бўйлаб Миробод кўчасигача, Миробод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Катта Миробод кўчасигача, Катта Миробод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик Миробод кўчасигача, Кичик Миробод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик Бешёғоч кўчасигача, Кичик Бешёғоч кўчасининг ўнг томони бўйлаб (Кичик Миробод кўчасидаги 115-уйни қамраб олган ҳолда) Нукус кўчасигача бўлган чегараларида.

**Чилонзор туманининг бир қисми:** Ўзбекистон шоҳкўчаси ва Анҳор канали кесишган жойдан Анҳор канали оқимининг ўнг томони бўйлаб Бўрижар каналигача, Бўрижар каналининг ўнг томони бўйлаб Чўпонота кўчасигача, Чўпонота кўчасининг ўнг томони бўйлаб Лутфий кўчасигача, Лутфий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Оқтепа каналигача, Оқтепа канали сув оқимининг ўнг томони қарши йўналиши бўйлаб Бунёдкор шоҳкўчасигача, Бунёдкор шоҳкўчасининг ўнг томони бўйлаб Ўзбекистон шоҳкўчасигача, Ўзбекистон шоҳкўчасининг ўнг томони бўйлаб Анҳор каналигача бўлган чегараларида (**144,7**).

**133-Кўкча сайлов округи**

(**Маркази** — Меҳмонхона хўжалиги ва сервис коллежи)

**Шайхонтоҳур туманининг бир қисми:** Фаробий кўчаси ва Катта ҳалқа йўли кесишган жойдан Фаробий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Беруний кўчасигача, Беруний кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг Истироҳат кўчаси туташган жойигача, Кичик ҳалқа йўлининг чап томони бўйлаб Маннон Уйғур кўчасигача, Маннон Уйғур кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қоратош кўчасигача, Қоратош кўчасининг ўнг томони бўйлаб Бунёдкор шоҳкўчасигача, Бунёдкор шоҳкўчасининг ўнг томони бўйлаб Оқтепа каналигача, Оқтепа каналининг ўнг томони оқими бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Истироҳат кўчасигача, Истироҳат кўчасининг ўнг томони бўйлаб Жарариқ каналигача, Жарариқ каналининг ўнг томони оқими бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Фаробий кўчасигача бўлган чегараларида (**140,9**).

**134-Қўйлиқ сайлов округи**

(**Маркази** — Сергели политехника касб-ҳунар коллежи)

**Сергели тумани:** Янги Сергели кўчаси ва Шокир ариғи кесишган жойдан Янги Сергели кўчаси бўйлаб Катта ҳалқа йўлигача, Катта ҳалқа йўлининг чап томони бўйлаб Янги Қўйлик кўчасигача, Янги Қўйлиқ кўчасининг чап томони бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув каналининг чап томони оқимга қарши бўйлаб Сергели ва Миробод туманлари чегарасигача, Сергели тумани маъмурий ҳудудий чегараси бўйлаб Учувчилар шаҳарчасини қамраб олган ҳолда Қумариқ кўчасигача, Қумариқ кўчасининг чап томони бўйлаб Яккасарой тумани маъмурий ҳудудий чегарасигача, Сергели ва Яккасарой туманлари чегараси бўйлаб Сергели ва Чилонзор туманлари чегарасигача, Сергели ва Чилонзор туманлари чегараси бўйлаб Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегарасигача, Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегараси бўйлаб Жўн ариғигача, Жўн ариғи бўйлаб Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегарасигача, Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегараси бўйлаб Салор каналигача, Салор каналининг чап томони оқимга қарши бўйлаб Янги Сергели кўчасигача, Янги Сергели кўчасининг чап томони бўйлаб Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегарасигача, Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегараси бўйлаб Бел коллекторигача, Бел коллектори бўйлаб Қипчоқ кўчасигача, Қипчоқ кўчаси бўйлаб Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегарасигача, Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегараси бўйлаб Чортоқ ариғигача, Чортоқ ариғининг чап томони бўйлаб Сергели ва Бектемир туманлари чегарасигача, Сергели ва Бектемир тумани чегараси бўйлаб Чортоқ ариғигача, Чортоқ ариғи бўйлаб Хонобод 3-тор кўчасигача, Хонобод 3-тор кўчасининг чап томони бўйлаб Хонобод 1-тор кўчасигача, Хонобод 1-тор кўчасининг чап томони бўйлаб темир йўлгача, темир йўл бўйлаб Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегарасигача, Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегарасидан Шокир ариғигача, Шокир ариғи бўйлаб Шокир ариғи ва Янги Сергели кўчаси кесишган жойгача бўлган чегараларида (**143,1**).

**135-Шайхонтоҳур сайлов округи**

(**Маркази** — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи)

**Шайхонтоҳур туманининг бир қисми:** Кичик ҳалқа йўли ва Беруний шоҳкўчаси кесишган жойдан Беруний шоҳкўчасининг чап томони бўйлаб Сақичмон кўчасигача, Сақичмон кўчасининг чап томони бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчаси бўйлаб Зарқайнар кўчасигача, Зарқайнар кўчаси ва Давлат цирки биноси орқа томони бўйлаб Себзор кўчасигача, Себзор кўчасининг чап томони бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчасигача, Тахтапул Дарвоза кўчасининг чап томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Анҳор каналигача, Анҳор каналининг ўнг томони оқими бўйлаб Ўзбекистон кўчасигача, Ўзбекистон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қоратош кўчасигача, Қоратош кўчасининг ўнг томони бўйлаб Маннон Уйғур кўчасигача, Маннон Уйғур кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўлигача, Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Беруний кўчасигача бўлган чегараларида.

**Олмазор туманининг бир қисми:** Фаробий ва Университет кўчалари туташган жойдан, Фаробий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўли билан кесишган жойгача, Фаробий ва Кичик ҳалқа йўли кесишган жойдан Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Чимбой-2 кўчасигача, Чимбой-2 кўчасининг ўнг томони бўйлаб Умид 1-тор кўчасигача, Умид 1-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Чимбой тор кўчасигача, Чимбой тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Чимбой-1 кўчасигача, Чимбой 1-кўчасининг ўнг томони бўйлаб Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ҳудуди чегараси бўйлаб Намуна кўчасигача, Намуна кўчасининг ўнг томони бўйлаб Чимбой-1 кўчасигача, Чимбой-1 кўчасининг ўнг томони бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Кичик ҳалқа йўли билан кесишган жойгача, Сағбон кўчаси билан Кичик ҳалқа йўли кесишган жойдан Кичик ҳалқа йўлининг ўнг томони бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчасигача, Тахтапул Дарвоза кўчасининг ўнг томони бўйлаб Себзор кўчасигача, Себзор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Абдулла Қодирий кўчасигача, Абдулла Қодирий кўчасидан Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғи ҳудуди чегараси бўйлаб Зарқайнар кўчасигача, Зарқайнар кўчасининг ўнг томони бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Сақичмон кўчасигача, Сақичмон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Беруний шоҳкўчасигача, Беруний шоҳкўчасининг ўнг томони бўйлаб Фаробий ва Университет кўчалари туташган жойгача бўлган чегараларида (**159,2**).

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси**
**М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 3 октябрь

---

Сўз — халқаро форум иштирокчиларига

# «ЎЗБЕКИСТОН — БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ»

*Жорий йилнинг 1-3 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтди. Мухбирларимиз ушбу халқаро форум иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.*

**Золтон ШАМОГИ,**
**БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижрочи директори:**

— БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилишида Президент Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлагани анжуман нуфузини оширди. Қолаверса, бу мамлакатингизда туризм ривожига юксак эътибор қаратилаётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ўзбекистон — беқиёс имкониятлар мамлакати. Бу фикрни бугун дунё жамоатчилиги ҳақли равишда бот-бот эътироф этмоқда. Чиндан ҳам, мустақил тараққиёт йўлидан дадил бораётган юртингиз барқарор иқтисодиёти, илм-фан, таълим, маданият, спорт, қўйингки, ҳар бир соҳада эришаётган ютуқлари билан ана шундай таърифга муносиб эканини исботламоқда. Шу боис ҳам нуфузли халқаро ташкилотлар, корпорациялар, фирма ва компаниялар Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга, изчил ҳамкорлик қилишга астойдил интилмоқда.

**Самуэль МВЕ,**
**Камерун туризм вазирлиги маркетинг бўлими бошлиғи:**

— Самарқандда ўтказилган сессия сайёҳлик ривожини янги босқичга кўтарадиган муҳим анжуман бўлиб қолади. Негаки, халқаро форумнинг очилишда давлатингиз раҳбари нутқ сўзлаб, туризм тараққиёти учун муҳим бўлган қимматли фикрларини айтиб ўтди. Айниқса, Президент Ислом Каримов томонидан билдирилган еттита устувор йўналишда жаҳон сайёҳлик саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган вазифалар аниқ баён этилди.

Фаолиятим давомида кўплаб нуфузли тадбирларда иштирок этганман. Аммо уларда бундай муҳим таклифлар ўртага ташланганини эслай олмайман. Шу боис мазкур етти устувор йўналиш билан янада яхшироқ танишиб, уни оммалаштириш керак, деган фикрга келдим.

**Ана Гарсия АЛИЕВИ,**
**Аргентина туризм вазири:**

— Бугун ҳар бир соҳа равнақида кадрлар малакаси ва салоҳияти устувор ўрин тутади. Ўзбекистонда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдим. Президент Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида келтириб ўтилганидек, айни пайтда мамлакатингизда бешта олий ўқув юрти ҳамда ўн битта касб-ҳунар коллежида туризм соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган экан. Шунинг ўзиёқ мамлакатингизда мазкур йўналишда барча имкониятлар ишга солинаётганини кўрсатиб турибди. Бундай юксак эътибор бор жойда эса сайёҳликнинг янги сўқмоқлари очилаверади.

**Дерек Андре ХОНЕКОМ,**
**Жанубий Африка Республикаси туризм вазири:**

— Ўзбекистон Президенти халқаро форум очилишидаги нутқида Самарқанд ҳақида ўзгача фахр ва ғурур билан сўз юритиб, “Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди”, дея алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, бу кўҳна ва навқирон кентда бўлган одам ажойиб ҳиссиёт оғушига тушиб қолар экан. Қолаверса, Самарқандга келган киши нафақат мароқли ҳордиқ чиқаради, балки маънавиятини юксалтиради, дунёқарашини бойитади, руҳиятини кўтаради.

**Хелен МАРАНО,**
**Туризм масалалари бўйича АҚШ давлат кенгаши вице-президенти:**

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор экан. Бундай кўҳна обидалар сайёҳларни оҳанрабодек ўзига жалб этади. Мамлакатингизда туризм инфратузилмаси ҳам яхши ривожланганини эътироф этиш жоиз. Замонавий меҳмонхоналар, кўрсатилаётган хизмат турлари менга жуда манзур бўлди. Биргина Самарқанд шаҳрида сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи 100 га яқин меҳмонхона ва 100 дан ортиқ фирма фаолият юритиши соҳада рақобат нақадар кучли эканлигини англатади. Соғлом рақобат бор жойда эса, албатта, ривожланиш суръатлари жадал кечади.

**Алтай ЭФЕНДИЕВ,**
**Озарбайжоннинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотидаги доимий вакили:**

— Ўзбекистонга келган илк кунимидаёқ бу юртнинг гўзал табиати, мусаффо ҳавоси менга жуда манзур бўлди. Энг муҳими, мамлакатингиз тинч, аҳоли турмуши фаровон. Буни биргина Самарқанднинг обод ва кўркам қиёфаси мисолида кўриш мумкин. Амир Темур мақбараси, Шоҳизинда, Регистон ансамблини томоша қилар эканман, ўзимни бир зумга олис ўтмишга қайтгандек ҳис этдим. Бу обидаларда кишини ром этадиган мўъжизавий сеҳр бор. Бу жозиба сайёҳларни ҳамиша бетакрор юртингиз сари чорлайвериши аниқ.

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ**
**ёзиб олди.**

---

# Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумлари қўшма йиғилиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Умуман, янги таҳрирдаги ушбу ҳужжат акциядорлик жамияти фаолияти ошкоралигини таъминлаш орқали потенциал инвесторларни жалб қилиш, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, миноритар акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, акциядорлик жамиятлари бошқарув ва назорат органларининг акциядорлар олдидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленуми қарори лойиҳаси акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар иштирокидаги низоларни ҳал этишда судлар томонидан мазкур Қонун нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Тадбирда Пленум қарори лойиҳасида судлар учун муҳим бўлган кўпгина тушунтиришлар берилганлиги хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Қайд этилганидек, ҳозирги кунда акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасидаги ишлар жавобгар жойлашган жойдаги суд томонидан кўриб чиқилмоқда. Бу эса низони тез ва тўғри ҳал қилишда айрим қийинчиликларни туғдирмоқда. Шу боис қарор лойиҳасида акциядорлар, акциядор ва жамият ўртасидаги низолар жамият жойлашган жойдаги судда ўтказилиши белгиланди.

— Амалиётда акцияни акциядорлик жамияти томонидан қайтариб сотиб олиш масаласида ҳам муайян муаммо мавжуд, — дейди Олий хўжалик суди судьяси Шуҳрат Полванов. — Шундан келиб чиқиб, Пленум қарорида бу масалага ҳам ойдинлик киритиб берилди. Яъни акциядорнинг ўзига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги талабини акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан ўттиз кун ичида жамиятга тақдим қилиши керак. Талаб ёзма шаклда берилади ва унда акциядорнинг яшаш манзили (жойлашган манзили) ҳамда у қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилади. Бунда қайд этилган ўттиз кунлик муддат низони судгача ҳал этиш муддати бўлиб, судлар бундай даъволарни кўриш чоғида акциядор томонидан талабнома жамиятга қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида юборилганлигини текширади, талабнома шу муддатда юборилган бўлмаса, даъво бўйича иш юритиш тугатилади.

Мазкур ҳужжатда яна бир қатор янгиликлар борки, буларнинг барчаси акциядорлик жамияти шаклидаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ кафолатлаш орқали тадбиркорлик соҳаси янада тараққий этиши ва мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти бундан-да юксалишига олиб келади.

Пленумлар қўшма мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги”ги Пленум қарори лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумлар қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 04.30 1 2 3 4 5